



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 24 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (13.694)

Баҳоси эркин нарҳда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛАР

Тошкент шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий ҳисоботи доирасида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузаси якунларига бағишланган брифинг ташкил этилди.

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўринбосари М.Истамов, ички ишлар вазирлиги ўринбосари Б.Одилов, бош прокурор ўринбосари Э.Йўлдошев ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузаси кўриб чиқиши якунлари бўйича маълумот берди.

БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 2006 йил 5 майда қабул қилинган Универсал даврий ҳисобот Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг механизми бўлиб, унинг доирасида БМТга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини баҳолайди ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига нисбатан зарур чоралар кўради.

2018 йил 7-18 май кунлари Женевада БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий ҳисоботи бўйича ишчи гуруҳнинг 30-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси миллий маърузаси тақдим этилди. Ушбу маъруза орқали халқаро ҳамжамият мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашни янада такомиллаштириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, сўнгги йилларда эришилган асосий ижтимоий-иқтисодий ютуқлар ва ривожланишнинг устувор йўналишлари билан таништирилди.

Универсал даврий ҳисобот доирасида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузаси якунлари бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 200 дан зиёд тавсиялар келиб тушган.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш делегациялари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саз-ҳаракатлари, эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган конститутивий, институционал ва маъмурий ислохотлар, мамлакатнинг конструктив мулоқот учун очкичилиги юқори баҳолагани қайд этилди.

Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашни янада юксалтириш ва бу борада халқаро мажбуриятларни бажариш тарафдори эканини намоён этгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 5 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузаси тавсиялари асосида парламент палаталари Кенгашнинг қўшма қарори билан тасдиқланган дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тақдимотлари ўтказилди.

Тадбир доирасида БМТ Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзбекистонда БМТ Низоми ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳа имзоланди.

БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликка жуда катта умид болаган. Универсал даврий ҳисобот доирасидаги ушбу ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган янги лойиҳа имзолангани муҳим воқеадир, — деди ЎЗА муҳбирига БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер. — Мамлакатингизда амалга оширилаётган барча ислохотлар очкилик, шаффофик тамойиллари асосида олиб борилаётгани ва бу жараёнларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро таъкилотлар экспертлари кенг ҳалқат этилаётгани тахсинга сазовор. Келгусида ҳамкорлигимиз Ўзбекистон ва БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоханг тарзда давом этишига ишончимиз комил.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАРИНИ БАЁН ЭТДИ

Жорий йил 19-23 май кунлари Европа Иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Кенгаши ишчи гуруҳи делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан танишиш, янги минтақавий сиёсат юзасидан фикр алмашиш ҳамда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама этиш мақсадида мамлакатимизда бўлди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан учрашув ўтказди.

Музокара чоғида меҳмонларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг асосий қоидаларидан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил ахборот берилди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорларидан биридир. Бугунги

давр мазкур алоқаларни ривожлантириш ва ҳар томонлама мустақамлашни тақозо этмоқда. Ишчи гуруҳ экспертларининг ушбу ташрифи ҳам мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда делегация аъзолари ташриф доирасида олган таассуротлари ва яқиний хулосаларини баён этди. Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакат ва жамиятни янада де-

мократлаштириш бўйича Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Сўхбат чоғида Европа Иттифоқи делегацияси Ўзбекистондаги жадал ўзгаришларга, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва мамлакатимизнинг халқаро имижини мустақамлашга қаратилган ислохотларга юқори баҳо берди.

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни бевосита кўриш, уни ҳудудлар микёсида ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида келдик, — деди Европа Иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Кенгаши ишчи гуруҳи раҳбари Ютта Эдто-

фер. — Мамлакатингизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу ташриф Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилишига ишонимиз. Бу ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам муҳим.

Учрашувда томонлар халқаро ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро манфаатли жиҳатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — деди Регина Паланди Паджу (Эстония). — Биз ишчи гуруҳ билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлдик. Тарихий шаҳарлар, бетакорор юртингиз бизда катта таассурот қолдирди. Қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказдик. Юртингиз барча соҳада, айниқса, туризм йўналишида улкан салоҳиятга эга эканига гувоҳ бўлдик.

Делегация аъзолари, шунингдек, Иқтисодиёт, Ташқи савдо вазирликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида ҳам бўлиб, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилдилар.

ЎЗА



ТУРИЗМ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 22-23 май кунлари Тошкентда Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги туристик кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда қўшни давлатда фаолият юритаётган сайёҳлик компаниялари, Курортлар ассоциацияси, Тиббиёт туризми ассоциацияси, пансионат ва курортларнинг 100 дан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқалари янада мустақамлашиб бормоқда. Бу жараён икки қўшни давлат ўртасида туризмни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2016 йилда 116 мингдан ортиқ Қирғизистон фуқаролари мамлакатимизга туристик мақсадларда келган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 2 бараварга кўпайди. Жорий йилда эса мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар оқими янада ортиши кутилмоқда.

Қирғизистоннинг дунёга машҳур Иссык-кўли ва унга туташ пурвиқор тоғлар ҳудудида туризм яхши ривожланган. Айниқса, кейинги йилларда мамла-

катда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли соҳада янгича ёндашувлар кузатишмоқда.

— Сайёҳлар учун халқимизнинг қадим анъаналари, маданиятини намойиш этишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди ЎЗА муҳбирига "Ўйма тош" этно-мажмуаси менежери Жулия Абдуқодирова. — Меҳмонларимиз ўтовларда ҳордиқ чиқариб, миллий таомлардан баҳраманд бўлади, ажойиб тоғ манзаралари, шаршаралар, отда сайр ҳам уларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Тадбирда мамлакатимизнинг туристик компаниялари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди. Уларда Қирғизистон курортлари, дам олиш зоналари, тиббиёт туризми каби кўргазмалар намойишлар катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма доирасида икки томонлама туризмни ривожлантириш мақсадида бир қатор келишувларга эришилди.

Улугбек АСРОПОВ

ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Пўлат Бобожонов ва Тожикистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Рамазон Ҳамро Раҳимзода билан расмий учрашув бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Президент Шавкат Мирзиёев сиёсати туфайли қўшни давлатлар билан самарали ва дўстона муносабатлар йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, айни пайтда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражага кўтарилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоралараро ҳамкорлик ҳам фаол тарзда ривожланмоқда.

Учрашувда терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция,

одам савдосига қарши курашиш, тезкор ахборот алмашишни фаллаштираш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Тожикистон ички ишлар вазирлиги икки мамлакат ички ишлар идоралари ўртасида узвий ҳамкорлик жадал ривожланишига ишонч билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Тожикистон идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг иккинчи йиғилишида эришилган

келишувларни ҳаётга жорий қилиш масалалари муҳокама этилди. Ишчи гуруҳининг учинчи йиғилишини ўтказиш жойи ва вақти белгиланган.

Учрашув натижасида 2018-2019 йилларда экстремистик ва террористик тузилмалар фаолиятига қарши интернет тармоғида "Тоза тармок" шартли номи остида курашиш бўйича комплекс тадбирлар қўшма режаси ва йиғилишнинг яқиний протоколи имзоланди.

Нурилло НАСРИЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Ўзбекистон саноат инфраструктураси — Industrial Infrastructure Uzbekistan — 2018. Samarkand" халқаро кўргазмаси бошланди. "Kongress Servis" масъулияти чекланган жамияти томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаси, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамкорлигида бу йил иккинчи бор ташкил этилган ярмаркада дунёнинг 17 мамлакатидан 30 дан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

● Наманган вилояти Чуст туманида ғалла ўрими сифатли ўтказиш вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги масъуллари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, марказий машина-трактор парклари ҳамда фермерларга хизмат кўрсатувчи бир қатор қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари вакиллари, отряд раҳбарлари, комбайн операторлари иштирок этди.

● Урганчада "Ҳамшира — 2018" кўриктанловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 11 нафар ҳамшира вилоят босқичида тиббий, ижтимоий ва сиёсий билимини синовдан ўтказди.

● Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш ўтқирувчи" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Вилоят ички ишлар, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада барча шаҳар ва туманлардан жамоалар қатнашди.

ЖАҲОНДА

● АКШда SPASE X ракета ташувчи парвози муваффақиятли амалга оширилди. У коинотга 5 та кичик сунъий йўлдош ва 2 дон апаратни олиб чиқди.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Эбола безаги тарқалган Конго Демократик Республикасида бундан икки йил олдин Германиянинг "Мерк" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган янги вакцинанинг дастлабки 4 мингта дозаси етказиб берилди. Тез кунларда илк бор қўлланилаётган янги вакцинанинг бошқа туркумлари ҳам бу ерга олиб келинади. Таъкидлаш жоизки, Эбола илк бор аниқланган 1976 йилдан буён бу Конгода ушбу безакнинг тўққизинчи эпидемиясидир. Юқумли касалликнинг кенг тарқалиши сўнгги бор ўтган йили кузатилган эди.

● "Travel Daily News" нашри сайёҳлар учун меҳмонхоналарни банд қилишнинг энг қулай вақтини маълум қилди. Уларнинг фикрига кўра, Осиёда меҳмонхоналарни саёҳатга беш ҳафта қолганда банд қилган маъқул. Бу 22 фоизгача маблағни тежаш имконини беради. Париж ва Лондонга саёҳатни режалаштираётганлар учун ҳам худди шундай вақт тавсия этилади. Бангкокда меҳмонхона банд қилиш учун энг яхши вақт саёҳатдан уч ой олдин бўлса, Ханойда икки ой. Токиода эса бир ой олдин экани маълум қилинди. Барселонага саёҳат қилмоқчи бўлганлар 3-9 ой олдин меҳмонхонадан хона буюртма қилгани маъқул. Рим ва Прага шаҳарларида боришни ис-таган сайёҳларнинг ҳам 3-8 ой илгари мурожаат этиши талаб этилади.

Бугун юртимизда тадбиркорлик ҳар қачонгидан изчил ривожлантирилмоқда. Ўз бизнесимни ташкил қиламан деган инсонга ишбилармонлик муҳитини яратиб бериш шахсан давлатимиз раҳбарининг диққат марказида турган асосий масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айниқса, бу борада муҳим дастуруламал ҳужжат бўлди.

Бунда Савдо-саноат палатасининг асосий вазифаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва соғлом шерикчилик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлар билан бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича долзарб ахборот алмашувининг доимий каналини, аввало вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг амалий натижаларига эришиш, ўзининг бизнесини ташкил этиш ва юритишда аҳолига ҳар томонлама кўмак бериш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлашдан иборат.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкор ташкилотлар билан асосий вазифа ва фаолият йўналишларини қайта кўриб чиқди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бормоқда.

Савдо-саноат палатаси ўз фаолиятини бир неча соҳаларда ташкил этади.

Аввало, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларини, айниқса, ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида уларни қўллаб-қувватлаш-

нинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, жадал ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш, республикамиз туманлари ва шаҳарларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, тадбиркорлик субъектлари текширувларида Палата аъзоларининг иштирок этишини таъминлашга эътибор қаратилади.

Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида – тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, тад-

107 млрд. сўмлик ва 4,9 минг долларлик жами 488 та давво аризаси киритилди.

Бундан ташқари суд томонидан қаноатлантирилган айрим давво аризаларининг мазмун шартнома мажбуриятларини бажаришни юклаш, мулкни ўзганинг ноқонуний эгаллигидан қайтариб олиш, лизинг объектларини лизинг берувчига қайтариш, кредит қарздорликларини ундириш ва бошқалардан иборат бўлди.

2018 йилнинг ўтган даври давомида экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, замонавий минитехнологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилиб, туманларда фаолият

Тарғибот-ташвиқот ишлари доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида бошқарма ва унинг туман тузилмалари томонидан 550 дан ортиқ семинарлар ташкил этилди.

Ушбу тадбирларнинг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида янги иш ўринлари яратиш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга яратилган имкониятлар, банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, замонавий минитехнологиялар ҳисобланади.

Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг расмий веб-сайти (tssp.uz-cci.uz) яратилган бўлиб, ҳозирги кунда сайт орқали тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар ҳамда барча янгиликлар тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда бериб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонининг 6-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатасига бошқа вазирлик ва идора билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб ҳар бир туманда хусусийлаштирилган объектлар негизда лойиҳаларни амалга оширадиган тадбиркорлар учун касб-хунар коллежларининг биноларида ўқув машғулотларидан бўш вақтда ўқув курсларини ташкил этиш белгиланган.

Шу муносабат билан Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан биргаликда хусусийлаштирилган корхоналар негизда лойиҳаларни амалга оширадиган тадбиркорлар учун ўқув машғулотлари ташкил этилиб, ҳар бир қатнашган тингловчи ва ўқувчига сертификатлар топширилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилаётган.

ШУХРАТ АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Йўлида

биркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб этади.

Тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари хизматларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар ва шароитлар яратиш, маслаҳат ёрдами ва ахборот таъминотини тақдим этиб боради.

Шунингдек, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳаларида ҳам тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси ҳисобланади.

2018 йилнинг ўтган даври мобайнида қатор мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан талай ишлар амалга оширилди. Чунинчи, январь-апрель ойлари давомида Палата аъзоларининг қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш мақсадида умумий суммаси

олиб бораётган тадбиркорлар ёки ўз ишини бошламоқчи бўлганлар кўргазма, ярмарка ва кооперацион биржаларга тақлиф этилди.

Ҳудудий бошқарма томонидан "VAZIRA NATIONAL FOOD" МЧЖ, "BIOMIO GROUP" МЧЖ, "BIO COSMETICS" МЧЖ, "ASIA KANDI" МЧЖ, "FUNNY TOYS PLAST" МЧЖ, "MASTER BILDING PRODUCTS" МЧЖ ҚҚ корхоналарига 1 млн. 11 минг АҚШ долларига яқин миқдорда маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинишига кўмаклашилди.

Ҳозирги кунда Палатанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Чехия, Малайзия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Россия Федерациясининг Савдо-саноат палаталари билан 21 та ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган, ушбу битимларга асосан маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ишлари олиб борилаётган. Ҳудудий бошқарманинг туман Тадбиркорлик-ка кўмаклашиш марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига таъсис ҳужжатлари, бизнес режа ва ТИА тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ахборот ҳамда юридик маслаҳат хизматлари каби жами 47 млн. 191 минг сўмлик 4800 та ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилган.

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

Миллий матбуот марказида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш борасида белгиланган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Нурматова ва бошқалар мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги амалий ишларни давр руҳига мос йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Мазкур ҳужжат асосида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, энг аввало, жиноятчиликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган аёллар ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга интеграциялашуви бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида устувор ўрин эгаллайди.

Қўмита томонидан юртимизнинг турли ҳудудларидаги оилаларга кириб, улардаги мавжуд аҳолини ўрганиш, долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлиллар жараёнида аёлларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва миллий хунармандликни янада ривожлантириш, оилавий бизнесга кенг йўл очиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга жорий этилди. Буларнинг барчаси хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг билиб-билмай жиноят қўчасига киришининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲИНДИСТОНДА ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ҳақида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган сайёр тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага мувофиқ "Тараққиёт стратегияси" маркази, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази вакиллари билан иборат Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистонга ташриф буюрди.

Делегация аъзолари дастлаб Деҳли шаҳрида Ҳиндистон ҳукумати ва парламенти аъзолари, етакчи тадқиқот марказлари, институтлар, "ақл марказлари" раҳбарлари, Ташқи ишлар вазирлиги, Халқаро масалалар бўйича Ҳиндистон кенгаши, "Вивекананда" номидаги халқаро жамғарма, Кузатувчилар тадқиқот жамғармаси вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мақсад Ҳиндистондаги сиёсий доиралар вакиллари ва экспертларга Ўзбекистоннинг янги сиёсати мазмун-моҳиятини, минтақада тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги ташаббусларини етказиш, жумладан, Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини тушунтириш, мамлакатимизнинг туризм ва иқтисодий салоҳиятини намойиш этишдир.

Музокаралар давомида "Тараққиёт стратегияси" маркази директори Акмал Бурҳонов иштирокчиларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари, шунингдек, "Вивекананда" номидаги халқаро жамғарма томонидан ташкил этилган давра суҳбатида иштирок этди. Марказий Осиё минтақаси бўйича Ҳиндистонлик етакчи экспертлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббуслари

ҳақида сўз юритилди. Суҳбат чоғида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим ва яна кўплаб бошқа соҳаларда Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлигининг истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида ташкилотлар ўртасида яқин алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Вивекананда" халқаро жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга кўра, томонлар кўшма тадқиқот лойиҳалари, семинар ва анжуманлар ўтказиш, илмий мақолалар чоп этиш ҳамда икки томон экспертларининг тажриба алмашишга қаратилган қатор тадбирларни доимий амалга оширади.

Конструктив руҳда ўтган учрашув ва музокаралар якунига кўра, қатор келишув ва кўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Жумладан, "Тараққиёт стратегияси" маркази Осиёнинг кучли 5 та "ақл марказлари"дан бири бўлган Кузатувчилар тадқиқот жамғармаси томонидан ҳар йили 60 дан зиёд экспертлик ҳамжамиятлари ҳамда давлат вакиллари иштирокида ўтказиладиган "Raisina Dialogue" халқаро анжуманида ҳамда "Global Forum on Global Governance" иштирок этади.

Бундан ташқари, "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Кузатувчилар тадқиқот жамғармаси билан ҳамкорликда шу йил август ойида Тошкентда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида кибархавфсизлик соҳаси бўйича халқаро анжуман ўтказишга келишиб олди.

(ЎЗА)

ЛОНДОНДА БРИТАНИЯ – ЎЗБЕКИСТОН ДўСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НАВБАТДАГИ ТАДБИРИ Бўлиб ўтди

Мамлакатимизнинг Бирлашган Қиролликдаги элчихонасида Британия – Ўзбекистон дўстлик жамиятининг навбатдаги тадбири бўлиб ўтди. Бу сафар Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик масаласи учрашувнинг асосий мавзуси бўлди. Унда Дўстлик жамиятининг аъзолари, Буюк Британия жамоатчилиги доираларининг вакиллари ҳамда Лондонда таҳсил олаётган ўзбек талабалари иштирок этдилар.

Кечани очар экан, Британия – Ўзбекистон дўстлик жамиятининг раиси, Марказий Осиё бўйича таниқли эксперт **Ширин Акинер** қадим-қадимдан аёллар минтақа халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутгани, XX ва XXI асрлар тарихида ўзбек аёллари ва қизлари мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этганига мисоллар кўп эканлигини қайд этди. Олиманнинг фикр билдиришича, бу мавзу тадқиқотчилар ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатишга интилаётган компания ва ташкилотлар учун алоҳида эътиборга моликдир.

Кэтрин Рис тадбирнинг асосий маърузачиси сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Шу пайтга қадар оилавий зўравонлик ва ижтимоий қийинчиликлардан азият чеккан аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган хизматлар кўрсатиладиган Британиядаги "The Haven Wolverhampton" хайрия ташкилотининг раҳбари бўлиб келган **К.Рис** бу соҳадаги, шу жумладан, хориждаги хизматлари учун февраль ойида шахсан шаҳзода Чарльздан "Британия империяси ордени" аъзоси фахрий унвонини олган.

Эслатиб ўтамиз: айнан **К.Рис** 1990-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистондаги хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилишида фаоллардан бири бўлган. Британия жамоат арбоби ўз тақдиротида мўъжаз лойиҳалар ва алмашувлар кўламлари аста-секин маҳаллий аёллар учун аниқ иш ўринларини яратиш, микрокредитлар бериш тажрибасини ўзлаштиришга қадар кенгайиб борган ўзаро ҳамкорлигининг ривожланиш босқичлари тўғрисида батафсил тўхталди. У ҳамкорлар, шу жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда Британия парламенти аъзолари, жамоат ташкилотлари ва тадқиқот тизимлари иштирокида Лондонда ва Тошкентда ўтказилган "Шарқ аёли" номли йирик форумлар туркуми ҳақида фахрланиб гапирди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, бундан бир неча йил муқаддам **К.Рис** ва **SABR** Аёллар кўникма маркази (Самарқанд) директори **Мавлуда Ширинова** билан ҳаммуаллифликда ўзаро ҳамкорлигининг тарихи ҳақида нашр этилган китоб ҳозирги пайтда ўзбек ноҳукумат ташкилотлари билан бундай шериклиқни йўлга қўймоқчи бўлаётган хайрия ташкилотлари учун муҳим қўлланма бўлиб қолган.

К.Риснинг фикрича, барча жамиятларда аёллар дуч келаётган муаммоларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. "Ўзбекистондан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Шунинг учун бу ажойиб мамлакат билан ҳамкорлик устоз-шогирдлик эмас, балки бир-бирини билиш ва кўмаклашиш асосига қурилмоғи лозим", деди британиялик эксперт.

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари Ўзбекистон халқи ноёб маданий-тарихий мерос, маънавий ва инсоний қадриятлар соҳиб эканлигини қайд этдилар.

Кэтрин Рис "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишида аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди.

– Сўнгги 20 йил давомида мамлакатда рўй берган катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдим, – деди у. – Ишлайдиган аёлларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, хотин-қизлар ташкилотлари эркин фаолият олиб боришмоқда. Биринчи марта Ўзбекистонга борган чоғларим аёллар ташкилотларининг сони кўп бўлса-да, улар маблағ ва дастурларни ҳаётга таъбиқ этиш нуктаи назаридан кўпгина муаммоларга дуч келишар эди. Ҳозир эса бу ташкилотларни ҳукумат ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, улар фаолият соҳаларини кенгайтириш асносида ўзларининг молиявий таъминотини ҳам яхшилаб олишган. Жойлардаги эҳтиёжни яхши биладиган хотин-қизлар ташкилотлари жамоатчилик ва давлат тизимлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришаётгани, худди шунингдек, мамлакатда ноҳукумат ташкилотларини тузиш тартиби такомиллашганлиги ва уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланаётгани катта эътиборга сазовордир.

"Жаҳон" АА,
Лондон

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Пойтахтимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида “Халқ хўжалиги тармоқларида учувчисиз учуш аппаратлари технологияларини қўллаш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ИННОВАЦИЯ СОҶА
РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Конференция Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шахарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш институти – “O’zGASHKLITI” давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда “ГЕОСКАН” компанияси гуруҳи (Россия) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатлар экспертлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А.Тўхтаев ва бошқалар илмий-техник тараққиёт даврида замонавий инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ҳамда инновациясиз ривожланиш бўлмаслигини таъкидлади.

Мазкур конференцияни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги маҳаллий лойиҳа-қидирув ва пудрат ташкилотларини ривожлантириш, республикамиз иқтисодиётига энг замонавий инновацион технологияларни кенг

жалб этиш ҳамда учувчисиз учуш аппарати технологияларини қўллаш бўйича хориж тажрибасини ўрганишдан иборатдир.

“O’zGASHKLITI” давлат унитар корхонасида 4 хил типдаги учувчисиз учуш қурилмалари бор. Мазкур қурилмаларнинг асосий вазифаси – тезкор геоахборот билан таъминлаш, юқори геодезик аниқликдаги маълумотларни бериш, аэрофотосъёмка ишлари ҳамда топографик планларни яратишдан иборат. Шунингдек, аппаратлар ёрдамида бирор ҳудуднинг 3D ўлчамдаги кўринишини яратиш мумкин.

Аппаратлардаги мультиспектрал камералар ёрдамида олинган суратлар қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлланилиб, ерларни мониторинг қилиш, экин турларини аниқлаш, ҳосилдорликни баҳолаш имконини беради. Ушбу қурилмаларни махсус курсларни тугатган, сертификатга эга соҳа мутахассислари ишлатиш ҳуқуқига эга. Анжуман давомида ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор

қаратиш лозимлиги таъкидланди.

– Учувчисиз учуш аппарати технологияларини турли соҳаларда қўллаш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати юқори даражага кўтарилди, – дейди “O’zGASHKLITI” давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи Азимжон Примов. – Ўта қисқа муддат ичида тезкор геоахборот билан таъминлаш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш муддатини кескин камайтиришга эришилди. Шунингдек, харажатлар икки баробарга камайди.

Конференция доирасида учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланган ҳолда этиштирилган маҳсулотлар, шахар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудлари ҳужжатлари – топографик планларнинг текстурланган моделлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Конференция доирасида иштирокчилар Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги “Аранчи” аэродромига ташриф буюриб, махсус полигонда учувчисиз учуш аппаратидан фойдаланиш тажрибасига гувоҳ бўлади.

(ЎЗА)



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Ёшлар ижод саройида “Ёш инновациячи” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунара таълими маркази ҳамда Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда Тошкент шаҳри туманлари бўйича ғолибликни қўлга киритган коллеж ва академик лицей талабалари ўзларининг ишлаб чиқариш, сервис, туризм, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасидаги инновацион ғоялари ва ишланмалари билан қатнашди.

“Ёш инновациячи” кўрик-танловида намоён этилган ишланмалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунара коллежи талабалари тақдим этган 12 вольта ишлайдиган, ёзда со-

вутиш (музлатгич), қишда иси-тиш (микроволн печ) ва-зифаларини бажарувчи ишлан-ма, кам электр токи билан иш-лайдиган қишқиритиш қурил-малари, Тошкент солиқ колле-жи ўқувчиларининг туризмни ривожлантириш бўйича меҳ-монхона лойиҳалари, янги ар-хитектура ишланмалари ва бошқалар йиғилганларда кат-та қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танловда асосий эъти-бор қатнашувчиларнинг ўқиш-даги муваффақияти, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди ҳамда инновацион ғоялар, технология-лардан фойдаланиш кўникма-ларини қай даражада ўзлаш-тирганига қаратилди.

Энг фаол, иқтидорли ишти-рокчиларнинг уч нафари рес-публика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

М.ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА муҳбири

Хабарлар

ОБОДОНЛАШТИРИШ
ИШЛАРИ ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Жасорат” майдони шаҳар-созликнинг замонавий талаблари асосида туб-дан янгиланади. Бу ерда аҳолининг кўнгилда-гидек ҳордиқ чиқариши учун кенг қўлмалли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш тадбирлари амалга оширилади. Бу билан шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун саёҳат манзиллари маскани яна биттага кўпая-ди. Шу боис бугундан эътиборан майдон атро-фи ўрналиб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари бошланди.

Шаҳримиз марказидаги “Мовий гўмбазлар” хийбонида кенг қамровли ободонлаштириш иш-лари бошлаб юборилди.

Худуд чиқиндилар, куруқ шох-шаббалардан то-заланиб, дарахт шохлари тартибга келтирил-моқда, пиёдалар йўлаклари қайта ётқизилиб, дренаж тизимлари тикланмоқда, фавворалар таъмирланиб, янги фонус ва ўриндиқлар ўрна-тилмоқда.

Яқин вақт ичида бу ерда Яккасарой тумани-даги коллежлар ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича мусобақа ўтказилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Матбуот анжумани

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Иргашев ҳудудни 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Айтиш жоизки, 3188 гектар майдонни эгал-лаган Мирзо Улуғбек туманида 1365 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, 165 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Ва-зирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 декабр-даги “2017-2019 йилларда Тошкент шаҳри-нинг Мирзо Улуғбек туманини комплекс ри-вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида дастур ишлаб чиқилиб та-сдиқланган. Унга кўра, туман ҳудудига 1 трлн. 653,2 млрд. сўмга тенг 591 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Туманда амалга оширилаётган улкан ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳамда аҳоли учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бо-расида 5 та энг муҳим йўналиш белгилаб олинган.

Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ мавзесида 38,8 гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонасида 48 та тадбиркорлик субъектларига бино-иншоотлар ва ер майдонлари ажратиб бе-рилган. Бугунги кунда 8 та лойиҳа ишга туши-рилган бўлиб, 40 таси бўйича қурилиш ва таъ-мирлаш ишлари кетмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг тўлиқ ишга тушуши 600 млрд. сўм ва 18 млн. доллардан ортиқ экспортини амалга ошириш имкониятини яратди.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Дав-лат дастурини амалга ошириш бўйича сўнгги 4 ой давомида 147,5 млрд. сўм ва 5,6 млн. АҚШ доллари миқдорида сарф-харажатлар амалга оширилган.

“Обод маҳалла” дастури асосида 4 та ма-ҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик иш-лари олиб боришмоқда. “2018 йилда аҳоли банд-лигини таъминлаш дастури”га асосан жами 3570 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жо-рий йил давомида 1189 та режа белгиланган бўлиб, амалда 1221 та янги иш ўринлари яра-тилган. Мазкур йили 9 та замонавий кўп қават-ли уйлар қуриб фойдаланишга топширилди. Бун-дан ташқари 6 тасида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2018 йилда 37,3 км. маҳаллалардаги ички йўллар тўлиқ ва 81,6 км. йўллар жорий таъмирланиши белгилаб олин-ган.

Матбуот анжуманида таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича журналистларга атофлича маълумотлар берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

БИЗ КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда “Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш” мавзусида семинар ўтказилди.

Унда ЎзЛиДеП Тошкент ша-ҳар кенгаши, “Ёшлик” талаба-лар шаҳарчаси, Олмазор ту-мани Ички ишлар бошқарма-си, Давлат солиқ инспекция-си, прокуратура, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенга-ши ходимлари, ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилла-ри иштирок этди.

Тадбирни академик лицей директори Анвар Шермуратов очиб берди.

Семинарда Президентли-мизнинг 2017 – 2021 йил-ларда Ўзбекистон Республи-касини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратеги-ясининг 2-босқичида Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, белгиланган вазифалар ижросини таъмин-лаш, коррупцияга қарши ку-рашининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари та-

комиллаштириш ва корруп-цияга қарши курашиш тад-бирларининг самарадорлиги-ни ошириш мақсадида кор-рупция тушунчаси, оқибатла-ри ва унга қарши курашиш-нинг ижтимоий, ҳуқуқий асослари ҳамда жавобгарлик тўғрисидаги тушунчалар би-лан ўқувчи-ёшларни ҳуқуқий онги ва билимини мустаҳ-камлаш, шунингдек, корруп-цияга қарши ҳуқуқий нор-малар асосида курашишни хис қила олиш кўникмалари-га эга бўлиш ва бу иллат-нинг оқибати аянчи ҳолат-да тугаши ҳақида тушунча-лар берилди.

Шунингдек, тадбирда ўқу-вчилар билан мавзуга оид қиз-гин савол-жавоблар, муноза-ралар ва фикр алмашишлар бўлиб ўтди.

Зафар НАЗАРОВ
Козим Ўлмасов
олган сурат

БИЛИБ-БИЛМАЙ
ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

“Ҳаёт ҳар хил пасту баландликлардан иборатки, эҳтиёт бўлиб қадам босмасанг қоқилишинг тайин”, деган эди файласуфлардан бири. Ҳа, ҳаётимиз турли ўнқир-чўнқирлардан иборат, унда баъзан билиб, баъзида эса билмасдан қоқиламиз. Ўша қоқилишлардан тўғри хулоса чиқарган одамнинг ҳаёт йўли яхшиланиб бораверади.

Дилноза Жалилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ҳаёт синонларида қоқил-ди. Билиб-билмай хато қилди. Қонунда бел-гиланган меъёрларни бузиб, жиноят содир этди.

Уч нафар фарзанднинг онаси бўлган Д.Жалилова кимларнингдир маслаҳати би-ланми ёки ўзининг қизиқиши туфайлими чет элда ишлаб, кўпроқ пул топишга интилади. Албатта, унинг ҳаракатлари зое кетмайди. Ингушетия Республикасининг Магас ша-ҳрида истиқомат қиладиган бир оиланинг икки нафар фарзандига қаровчи бўлиб иш бошлайди.

Яхшигина ишлаб юрган Д.Жалилова ўзи хизмат қилаётган оила билан Ўзбекистон Республикасидан дунёнинг барча мамлакат-ларига чиқиш рухсатини берувчи ИИИнинг М ва ФРБнинг рухсатнома вазиса бўлмас-дан Туркия давлатининг Кемер шаҳрига бо-риб дам олиб қайтади.

Д.Жалилова анча вақт ишлагач 2018 йил-нинг 4 март куни “Минвода – Тошкент” йўна-лишидаги рейс билан фарзандларини кўрга-

ни Ўзбекистон Республикасига келади. Ис-лом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида чегара назоратидан ўтаётган вақтида чегара ходимлари унинг паспортни текшириб, паспортда ИИИнинг М ва ФРБдан бериладиган стикер ёзувини рас-миyllаштирмасдан Туркия давлатига борган-лигини аниқлашади.

Суд жараёнида Дилноза Жалилова айби-га тўла иқдор бўлиб, Туркия давлатига бо-риш учун ИИИнинг М ва ФРБга бориб сти-кер ёзувини олиш кераклигини билмагани, ўз қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Юқоридагиларни ва жинояти оғир оқибат-ларга олиб келмаслигини, оилавий шароити оғирлигини, икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги ва оиласи унинг қара-моғида эканлиги инобатга олиниб, Д.Жали-лова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ко-дексининг 71-моддасига асосан жазодан озод қилиниши лозим деб топилди.

М.КУКИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сергели
туман судининг судьяси

ЯРИМ АСР АРАФАСИДА...

Алишер Навоий номидаги Кино саройида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, санъат арбоби, таниқли кинорежиссёр Шухрат Аббосов хотирасига бағишланган “Абу Райҳон Беруний” бадиий фильмининг ўзбек тилидаги тақдироти бўлиб ўтди.

Сценарий муаллифи П.Булгаков, постановкачи режиссёр Ш.Аббосов бош-чилигида 1974 йил “Ўзбек-фильм” киностудиясида су-ратга олинган фильм икки қисмдан иборат. Унда П.Са-идқосимов, Р.Ҳамроев, Б.Их-тиёров, Д.Қамбаров каби таниқли актёрлар суратга тушган.

– Қирқ йилдан ошқ вақт

аввал суратга олинган “Абу Райҳон Беруний” фильмида суратга тушиш учун бир қанча актёрлар орасидан, қайта-қайта си-новдан ўтиб, сўнг қабул қилинганман – дейди Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов. – Шухрат Аббосов катта ма-ҳорат соҳиби эди. Мана, ўша фильм ўзбек тилига

дубляж қилинибди. Бундан жуда қувондим, жуда яхши бўлибди.

Ўз даврида рус тилида су-ратга олинган ушбу фильм яқинда “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига би-ноан “Ўзбекфильм” киносту-диясида ўзбек тилига ўги-рилди.

И. АХАТОВА,
ЎЗА муҳбири

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”
ВА “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават, 225-хона.



Спорт янгилклари

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ХИТОЙ
ГРАН-ПРИСИДА

Хитойнинг Хуххот шаҳрида гран-при сериясидан ўрин олган навбатдаги мусобақа бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, жорий турнир орқали 2020 йили Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги олимпия ўйинларига рейтинг очколари йиғиш бошланади.

Шу нуқтаи назардан дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам ушбу мусобақага жиддий ҳозирлик кўрмоқда ва унда асосий таркиб спортчилари билан иш-

тирок этади. Халқаро дзюдо федерациясининг расмий сайтида Хуххот гран-присида иштирок этувчилар орасида ўн бир нафар вакилнинг исми-шарифи келтириб ўтилган. Хамюртларимиздан Шарофиддин Болтабоев, Сардор Нуриллаев, Шахзод Собиров каби полвонларимиз етакчи дзюдо усталари қаторидан ўрин олган.

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университети енгил атлетика бўйича хотира мусобақасини ўтказди.

ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Турнирнинг биринчи кунинда аёллар ўртасида босқон улоқтириш баҳсларида Ўзбекистоннинг янги рекорди қайд этилди. Анастасия Асланидун турнирда 61,61 метр натижа кўрсатди ва мамлакат рекордини ўрнатди. Бунгача босқон улоқтириш бўйича аёллар ўртасидаги энг яхши натижа Ольга Жоголевага (57,02 метр) тегишли эди.

Ядро улоқтириш баҳсларида эса 15,11 метрлик натижа қайд этган Светлана Прошккина ғолибликни қўлга киритди. У ушбу кўрсаткич орқали "Спорт устаси" талабларини бажарганини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим.

Эркалар ўртасидаги баҳсларда

эса ядрони 18,61 метрга улоқтирган Сергей Деметьев тенгсиз бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар мос равишда Григорий Камуля (17,35 метр) ва Артём Давлетов (17,01 метр)га насиб қилди.

100 метрга югуриш бўйича ўтказилган баҳсларда Сабина Шириева 12,07 сония натижа билан мусобақа ғолиблигини қўлга киритди. Эркалар ўртасида эса Жалолиддин Хамроқулов (10,85 сония)га тенг келадиган рақиб топилмади. Узунликка сакраш бўйича аёллар ўртасидаги беллашувларда Роксана Худоярова (5,89 метр) ғалаба қозонди.

Ботир ХУЖАЕВ

Жорий йилнинг 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ТАЙИНЛНАДИ

Ушбу қарор бандларига кўра юртимизда болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш мақсадида футбол академиялари ташкил этиш назарда тутилган.

Яқинда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ташаббуси билан ҳудудий футбол академияларининг директорлик лавозимларига номзодлар билан

сухбатлар ўтказиш жараёни бошланди. Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан келган номзодлар билан уюштирилган суҳбат давомида академияларнинг иш фаолиятини ташкил этиш бўйича режалар, профессионал футболчиларни етиштириш борасида амалга оширилиши лозим

бўлган янги чора-тадбирлар, футбол академияларида таъбиқ қилинадиган янги ўқитиш тизимлари муҳокама қилиниб, номзодларга тегишли тавсиялар берилади. Шунингдек, бу тадбирларда Андижон, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларидан келган вакиллар ҳам қатнашишди.

ФУТБОЛ СИРЛАРИДАН
ВОҚИФ БЎЛИШДИ

Ўзбекистон футбол ассоциациясига қарашли сунъий қопламали майдонда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 9 ёшли ўғил болалар ҳамда 11 ёшли қизлар иштирокида футбол фестивали бўлиб ўтди.

ОФКнинг ташаббуси билан "Оммавий болалар футбол кўли"га бағишланган УФА томонидан уюштирилган фестивалда иштирок этган иштирокдорлар майдонда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Гурuhlарга бўлиган ёш иштирок эгаларига мураббийлар тайинланди. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ўзига ажратилган махсус жойларда мураббийлари билан биргаликда эстафета тўп муомаласи, тўпни қўлда ўйнаш, югуриш, тўп назорати бўйича машғулотлар ўтказишди. Мураббийлар фестивал давомида ёшларни футбол сир-асрорлари билан таништиришди. Тадбир сўнггида иштирокчилар сертификатлар билан тақдирланишди.

"Футбол дўстлик учун" лойиҳаси доирасида бутун дунё мамлакатлари бўйлаб "Футбол ва дўстлик" кўни муносабати билан пойтахтимизда ҳам бўлиб ўтган тадбир ОФКнинг "Болалар оммавий футбол

куни" фестивали доирасида уюштирилди. Унда "Футбол дўстлик учун" дастурийнинг юртимиздаги ёш элчиси, "Бунёдкор" футбол мактаби тарбияланувчиси, дарвозабон Муслим Абдуманнопов ҳамда ёш журналист Мардон Маъруфов иштирок этишди. Улар фестивал давомида таниган кўпгина дўстларининг ҳамда собиқ Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Зайниддин Тожиёв, Элдор Магдеевнинг қўлларига дўстлик боғичларини тақиб қўйди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, "Газпром - болаларга" дастури доирасида ташкиллаштирилган "Футбол дўстлик учун" болалар футболини ривожлантириш, бағрикенглик туйғусини шакллантириш, турли мамлакатлар ёшлари ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатишдан иборат.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР
СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Соғлом авлод - миллат келажиги" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди 1993 йил 23 апрелда Биринчи Президентимиз Исро Каримов фармонида биноан ташкил этилган.

Биргина 2017 йилда фонднинг тиббий-ижтимоий бригадалари лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда 1 минг 500 дан ортқ кишлоқ ва 3 минг 699 маҳалладаги 24 мингга яқин оиланинг ижтимоий шароити, психологик муҳит ва болалар саломатлиги юзасидан таҳлиллар олиб борилди. Лойиҳа давомида 281 мингдан ортқ аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлиги мустаҳкамланди.

Мазкур фонд ҳам ушбу эзгу мақсадларга ҳамоҳанг фаолият юритмоқда. Фонднинг 14 минтақавий филиали ва 100 дан ортқ таянч маскани аҳолига тиббий кўмак, халқаро ҳамкорлик, меҳр-мурувват, маданий-маърифий, ўқув-соғломлаштириш ҳамда спорт йўналишидаги муҳим дастурлари орқали хизмат қилиб келмоқда.

Олис, бориш қийин бўлган туманлар аҳолисига тиббий-ижтимоий патронаж хизмати кўрсатиш тизимини яратиш, "Саломатлик" поездларини ташкил этиш, мураккаб тиббий операциялар ўтказишга муҳтож болаларни етакчи хорижий клиникаларда даволаштириш жўнатиш борасидаги ишлар соғломлаштириш йўналишида самарали натижаларни бермоқда.

Шунингдек, турли ижтимоий фестиваллар, танловлар, спорт мусобақалари ҳамда ёш авлод жисмоний, маънавий ва ақлий ривожланишига хизмат қилувчи кўплаб тадбирлар, лойиҳаларда юртимиз ёшлари фаол иштирок этмоқда.

Фонд болалар, айниқса, қизларни спортга жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш учун ёш мушиқчилар ўртасида "Санъат гунаҳлари", миллий чолгулар бўйича "Наврўз садолари", "Камалак жилоси", "Ер курабасида тинчлик", "Мафтунок ранглар жилоси", "Соғлом авлод маънавият ёдусида" мавзуларида кўрик-танловлар, фестиваллар уюштирилаётган ўғил-қизлар салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Она ва бола саломатлигини асраш йўлидаги энг йирик лойиҳалардан бири - бу ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказишдир. Ушбу лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида кўча текширувлар олиб борилади. Ушбу тиббий текширувлар ҳомиладор аёлларнинг соғлигини асраш, туғиладиган болаларнинг касалликларини эрта аниқлаш ва тизимли чоралар кўришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида соғлом фарзандлар туғилишига эришилаётир.

(ЎЗА)

БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК — МУҲИМ ҲАЁТИЙ МАНБА

Мамлакатимиздаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар: 8 та давлат қўриқхонаси, 1 та давлат биосфера резервати, 2 та табиат миллий боғи, 10 та давлат буюртма қўриқхонаси, 6 та табиат ёдгорликлари, 3 та ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича питомниклар ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бус-бутунлигини, экотизимлар барқарорлигини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ана шулар алоҳида қайд этилди.

22 май - Халқаро биологик хилма-хиллик кўнига бағишланган "Барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хиллини сақлашнинг муҳимлиги ва аҳамияти" мавзудаги давра суҳбатида инсониятнинг табиат жараёнига аралашуви атроф-муҳитнинг маълум маънода тиклаб бўлмас даражага келиши ва ғожиали оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келатгани таъкидланди.

Биологик хилма-хиллик ҳам жаҳон ҳамжамияти учун, ҳам ҳар бир давлат учун муҳим ҳаётий манба ҳисобланади, - дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Исрол Хушвақтов. - У иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг табиий неъматидир. Уни сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш инқирозсиз ривожланиш учун зарурдир. Биохилма-хиллини асраш, ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш келажак авлодлар иқтисодий-ижтимоий фондига ҳисса қўшиш деганидир.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида, хусусан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини бошқариш бўйича муносабатларни тартибга солувчи мустақкам ҳужуқий база яратилган. 30 га яқин муҳим қўнғулар ва юзлаб қўноқли норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Давра суҳбатида биологик ресурслардан фойдаланишнинг амалдаги тартиби ва соҳадаги муаммолар, уларнинг ечими ҳамда табиатдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш каби масалалар музокаралар марказида бўлди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этилди!

Очик аукцион савдосига акциядорлик тижорат Халқ банки Юнусобод филиалининг 23.05.2018 йилдаги № 09/289-сонли буюртмасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 48-йи манзилида жойлашган, бошланғич нархи 200 000 000 сўм, умумий майдони 37 кв.м.дан иборат бўлган 0392-сонли шохча қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 26 июнь кўни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-йи манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2018 йил 26 июнь кўни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 11 июль кўни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 %дан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқбанк" Юнусобод филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабдорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасига бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик бевосита имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурлиги юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-йи.

Тел: +998-71-236-25-53. Веб-сайт: www.capitaltrust.uz

Лицензия РР - 0298

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан Эргашев Одил Шавкат ўғли номига 2013 йилда берилган К № 3154283 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат иқтисодий коллежи томонидан Рузиккулова Мафтуна Бурйеовна номига 2011 йилда берилган К № 2286666 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

34 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 25 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси - 15-17, кундузи - 32-

Тошкент шаҳрида 25 май кўни ҳаво ўзариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 15-17, кундузи - 32-

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буинча турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилиш ва сақлаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзили:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10463 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00